



АЙБЛАНУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ЧИҚИБ КЕТГАН ТАҚДИРДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси
Киберхуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18481181>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-yanvar 2026 yil
Ma'qullandi: 28-yanvar 2026 yil
Nashr qilindi: 31-yanvar 2026 yil

KEY WORDS

жиноят ишини тўхтатиш,
айбланувчи, дастлабки тергов,
экстрадиция, терговга
келишини таъминлаш, халқаро
шартномалар, айбланувчининг
иштироки.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси биринчи қисми 3-бандида назарда тутилган айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаганлиги асосида терговни тўхтатишнинг назарий ва амалий муаммолари тадқиқ этилган бўлиб, муаллиф томонидан халқаро шартномалар ва конвенциялар таҳлили асосида ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисми 3-банди ва 368-моддасини такомиллаштириш юзасидан айбланувчининг жойлашган жойи маълум бўлиши, терговга келишини таъминлашнинг реал имконияти йўқлиги ва экстрадиция рад этилган ҳолатларни алоҳида таъкидлаган ҳолда аниқ таклифлар киритилган.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва қонун устуворлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мамлакатимизнинг бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келди. Бироқ, жиноят-процессуал қонунчилигимизда айбланувчиларнинг жиноят ишларида бевосита иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси биринчи қисми 3-бандида назарда тутилган айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ва унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолатларда жиноят ишини тўхтатиш масаласи суд-тергов амалиётида жиддий қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Мазкур муаммонинг асосий сабаби қонунчиликда “терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаслиги” тушунчасининг аниқ мезонлари белгиланмаганлиги, бу эса тергов органлари томонидан ушбу асосни қўллашда турли хил талқин қилинишига ва амалиётда бир хиллик йўқлигига олиб келмоқда.

Бунда айбланувчи Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги ҳолати тушунарли. Бироқ, “унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса” деган жумлада айнан қандай асосларга кўра терговга таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги қонунчиликда ёритиб берилмаган. Бу эса тергов органларида ушбу асос билан тўхтатишда қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу асос билан дастлабки терговнинг қолган асосларга кўра тўхтатилишини бу норманинг қонунчилик нуқтаи назаридан тўлиқ ёритиб берилмаганлигидан далолат беради.

Илмий адабиётларда олимлар томонидан бу асос бўйича дастлабки терговни тўхтатишда бир қанча фикрлар билдирилган. В.В.Рябчиковга кўра, “...процессуал қонунчиликдан бу асосни чиқариб ташлаш кераклигини илгари суриб, айбланувчининг жойлашган жойи маълум? бироқ уни олиб келишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда, иш билвосита кўрилиши керак, бундай ҳолатларда айбланувчи билан боғлиқ тергов ҳаракатларини техник воситалардан фойдаланган ҳолда адвокатнинг мажбурий иштироки орқали амалга ошириш керак”[1]. Э.К.Черкасова ҳам В.В.Рябчиковнинг фикрларига яқин фикрни билдириб, ушбу асосни процессуал қонунчиликдан чиқариб ташлаш кераклигини илгари суради[2]. А.М.Поповнинг фикрича дастлабки терговга келишнинг имконияти йўқлигини рўйхатини тузиш керак[3]. Э.Ф.Закирова ҳам шунга ўхшаш фикр билдириб, терговга келиш имконияти йўқлигининг рўйхатини шакллантиришни илгари сурган[4].

А.А.Нечаев юқорида келтирилган олимларнинг фикрларига қўшилмаслигини, сабаби ушбу норма бўйича терговга келиш имконияти йўқлиги сабабли дастлабки терговни тўхтатишни чиқариб ташлаш мантиқан нотўғри бўлишини, терговга олиб келиш имконияти вазият шароитга қараб ўзгариб туриши мумкинлигини таъкидлайди[5].

Биз юқоридаги олимлар фикрларидан В.В.Рябчиков, Э.К.Черкасова, А.М.Попов, Э.Ф.Закироваларнинг фикрларини қўллаб-қувватламаймиз. А.А.Нечаевнинг фикрларига қўшилган ҳолда, бу асоснинг дастлабки терговни тўхтатиш асосларидан чиқариб бўлмаслигини маълум қилмоқчимиз. Сабаби шахс ўзига нисбатан жиноят иши кўзгатирилганлигини билмасдан туриб ёки хизмат сафари, дам олиш, даволаниш мақсадида хорижий давлатга чиқиб кетган бўлиши мумкин. Бошқа давлатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган бўлиш эҳтимоли ва бошқа сабабларга кўра, шунингдек бошқа давлатнинг экстрадиция қилишга рухсат бермаслиги натижасида ҳам айбланувчини терговга олиб келиш имконияти бўлмаслик эҳтимоли бўлиши мумкин.

Айрим процессуалист олимлар масалага бошқа томондан фикр билдиришган. Г.Р.Химечеванинг фикрларига кўра, айбланувчининг терговга таъминлаш имкониятининг йўқлиги шахснинг географик жиҳатдан унинг жойлашган жойи туфайли процессуал ҳаракатларда иштирок этишига тўсқинлик қиладиган жойда жойлашган жойлар тушунилиши кераклигини[6]. Н.А.Якубович ҳам бу фикрларга ўхшаш фикрлар билдирган. Айбланувчининг жиноят иши бўйича иштирокини амалда таъминлай олмаслик сабаблари унинг жойлашган жойига боғлиқ бўлиб, унинг узоқлиги тергов муддати давомида айбланувчининг келтирилишини таъминлаш имкониятини истисно қилади. Жиноят ишини тўхтатиш учун айбланувчи жойлашган ҳудуд чақирувга кўра тергов ва судга келиш имкониятини истисно этиши лозим. Бундай жойларга давлат ҳудудидан ташқаридаги жойлар киради[7].

Бундан ташқари, В.М.Быков[8], С.П.Ефимичев[9], П.Е.Кондратов[10] ҳамда бошқа олимлар жиноят ишини тўхтатишга асосига айбланувчининг давлат ҳудудидан ташқарида бўлиши хусусида қайд этиб ўтганлар. Агар эътибор берадиган бўлсак, олимлар томонидан илгари сурилган фикрларда ушбу асос билан жиноят ишини тўхтатиш учун айбланувчи давлатнинг ташқарисида бўлишининг ўзи кифоя.

Ушбу олимлар томонидан билдирилган фикрлар бир томонлама билдирилган деб ҳисоблаймиз. Сабаби, шахс давлат ҳудудидан чиқиб кетгани билан унинг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда дастлабки тергов ушбу асос билан тўхтатиш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Ушбу асос билан дастлабки терговни тўхтатилиши учун шахс давлат ҳудудидан ташқарида бўлгани билан унинг жойлашган жойи маълум бўлиши керак. Шу сабабли, айбланувчи давлат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганлиги муносабати билан ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисмининг 3-банди билан тўхтатилиши хато ҳисобланади.

Бу борада олимлар томонидан бир қатор фикрлар илгари сурилган. К.В. Калиновскийга кўра, "...айбланувчининг жойлашган жойи маълум, у икки ой давомида терговчининг чақириғига кўра кела олмаслигини дастлабки терговни тўхтатиш учун асос деб ҳисоблаш керак"[11].

Г.Р. Химечеванинг фикрларига кўра, айбланувчининг терговга таъминлаш имкониятининг йўқлиги шахснинг географик жиҳатдан унинг жойлашган жойи туфайли процессуал ҳаракатларда иштирок этишига тўсқинлик қиладиган жойда жойлашган жойлар тушунилиши кераклигини айтади[12]. Муаллиф ушбу асос бўйича жиноят ишини тўхтатишда айбланувчининг жойлашган ҳудудини, узоқ денгиз сафари ёки экспедицияга кетганини ҳамда фаслга кўра бориш мумкин бўлмаган жойларни назарда тутган. Бу борада Х.Х.Ботиров республикаимиз ҳудудида юқорида кўрсатилганидек бориш мумкин бўлмаган жойлар кам учрашини, бироқ шунга қарамай олим томонидан Ўзбекистон ҳудудида бўлган айбланувчиларни олиб келиш имконияти бўлмай қолишига урғу берган. Бунда айрим ажралган ҳудудларларга маълум муддатдан кейин бориш мумкинлигини назарда тутиб мисол тариқасида, Сурхондарё вилоятида шол касаллиги тарқалганлиги сабабли айрим туманларга инсонларнинг кириши маълум муддатга тақиқланган вақтлари бўлганлигини ёритиб, бунда айбланувчи Ўзбекистон ҳудудида бўла туриб, унинг айнан қаерида эканлиги тергов ходимларига маълум бўлса-да, тергов келишини таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаса, жиноят ишини қандай ҳал қилиш масаласи айнан шу асосга боғлиқ бўлиб қолишини айтади.

Ҳақиқатан ҳам бизда республика ҳудудидан ташқарига чиқмасдан туриб узоқ денгиз сафари ёки экспедицияга кетиш, фаслга кўра бориш мумкин бўлмаган жойлар жуда ҳам кам учрайди. Бу борада Х.Х.Ботировнинг фикрларига қўшилаемиз. Бироқ, айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетмасдан тергов органига олиб келиш имкониятининг бўлмаслиги ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисмининг

3-бандига боғлиқ бўлиб қолиши ҳақида билдирган фикрларига қўшила олмаймиз. Фикримизча ушбу асос билан дастлабки терговни тўхтатишда айбланувчи ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган бўлиши, унинг жойлашган манзили аниқ бўлиши керак.

Бундан ташқари, айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган, бироқ унинг терговга келишини таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаслиги хорижий давлат томонидан экстрадиция қилиш рад этилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Мавриди келганда айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларда айнан қачон шахсларни экстрадиция қилинишига рухсат берилмаслиги ҳолатлари кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенциянинг (1950 йил 21 март, Лейк Саксес, Нью-Йорк. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йилнинг 12 декабрида кўшилган) 9-моддасида[13], “Денгиз кемачилиги хавфсизлигига таҳдид солувчи ғайриқонуний актларга қарши кураш тўғрисида” Конвенция (1988 йил 10 март, Рим. Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги 132-II-сонли «Денгиз кемачилиги хавфсизлигига таҳдид солувчи ғайриқонуний актларга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Қарори билан тасдиқланган) 2-моддасида[14], Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида “Ушлаб бериш тўғрисида” шартномасининг (2000 йил 2 май, Деҳли) 5-моддасида[15], “Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги 1999 йил 8 ноябрдаги “Экстрадиция тўғрисида” шартномасининг 3-моддаси[16], Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида “Ушлаб бериш тўғрисида” 2000 йил 15 июндаги шартномасининг 4-моддаси[17], Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида 2000 йил 11 июндаги “Ушлаб бериш тўғрисида” битимнинг 3-моддаси[18] ва шу каби бошқа айрим давлатлар билан экстрадиция қилиш ҳамда ушлаб бериш мажбуриятларини амалга оширишда рад этиш учун асослар белгилаб берилган. Демак, табиийки бундай ҳолатларда айбланувчиларни экстрадиция қилиш билан боғлиқ муаммолар тергов органи учун бир қатор муаммоларни юзага келтириш билан бирга дастлабки терговни тўхтатишга олиб келади.

Шу сабабли, юқорида келтирилган олимларнинг фикрларини ва айрим хорижий давлатлар билан шахсларни ушлаб бериш, уларни экстрадиция қилишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда қонунчиликда ушбу асос билан боғлиқ муаммони бартараф этиш мақсадида, ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисми 3-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, шунингдек унинг қаерда эканлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлсада, бироқ терговга келишини таъминлашнинг амалда имкони бўлмаса”.

Шунингдек, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси 368-моддасининг номланишини *“Жиноят иши бўйича айбланувчи иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда иш юритишни тўхтатиш”* деб ўзгартиришни ҳамда унинг мазмунини қуйидаги таҳрирда баён қилинишини таклиф қиламиз:

“Айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги ёки унинг қаерда эканлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлсада, бироқ терговга келишини таъминлашнинг реал имкони бўлмаса ёхуд хорижий давлат томонидан айбланувчини

экстрадиция қилиш рад этилган бўлса, жиноят иши бўйича барча тергов ҳаракатлари бажарилганидан кейин тергов тўхтатилади.”

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси биринчи қисми 3-бандида белгиланган айбланувчи республика ҳудудидан чиқиб кетганлиги асосида жиноят ишини тўхтатиш институти амалиётда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда, чунки “терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаслиги” тушунчасининг аниқ мезонлари қонунчиликда белгиланмаган, натижада тергов органлари бу асосни турли хил талқин қилмоқда ва бу норма бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ҳолатлари қолган асосларга нисбатан анча кам кузатилмоқда. Мақолада турли олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, ушбу асосни процессуал қонунчиликдан чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифлар рад этилган ва аксинча, уни такомиллаштириш зарурлиги асосланган, шу муносабат билан ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисми 3-бандини “айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, шунингдек унинг қаерда эканлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлсада, бироқ терговга келишини таъминлашнинг амалда имкони бўлмаса” деган янги таҳрирда баён этиш ҳамда 368-моддасининг номланиши ва мазмунига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали айбланувчининг жойлашган манзили аниқ бўлиши, терговга келишини таъминлашнинг реал имконияти йўқлиги ва хорижий давлат томонидан экстрадиция қилиш рад этилганлиги каби ҳолатларга қонунчиликда аниқ ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Рябчиков В.В. Указ.соч. С.122.
- 2.Еркасова Е.К. Правовое регулирование приостановления и возобновления уголовно-процессуальной деятельности: дис. .канд. юрид. наук. Омск, 2004. С. 9.
3. Попов А.М. Проблемы совершенствования оснований и условий приостановления предварительного следствия. дис. ...канд. юрид. наук. Саратов, 2004. С. 11.
4. Закирова Э.Ф. Приостановление предварительного следствия в случае, когда подозреваемый или обвиняемый скрылся от следствия либо место его нахождения не установлено по иным причинам: дис. ...канд. юрид. наук. Ижевск, 2004. С. 50.
5. Нечаев А.А. Приостановление предварительного расследования в уголовном процессе России: дис. .канд. юрид. наук. М., 2007. С. 82, 84.
6. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. С. 40.
7. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации в редакции Федеральное закона от 29 мая 2002 г / Под общ. И научи, ред., проф. А.А.Сухарева.-М.:НОРМА (Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М), 2002.-С.383.
8. В.М.Быков Основания приостановления производства по уголовному делу // Российская юстиция. М.: Юрид.лит., 1995.-№ 3.- С.16.
9. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общий ред. В.В.Мозякова.-М.: Экзамен XXI, 2002.-С.465.
10. Уголовный процесс: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности “Юриспруденция” / Под ред. В.П. Божьева. 3-е изд., испр. И доп.-М.: Спарк, 2002.-С.376.

11. Калиновский К.Б. Приостановление и возобновление предварительного следствия // Комментарий к УПК РФ / Под ред. А.В. Смирнова. СПб, 2003. С. 519.
12. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. С. 40.
13. "О борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами" Лейк Саксес, Нью-Йорк, 21 марта 1950 года, статья 9.
14. Денгиз кемачилиги хавфсизлигига тахдид солувчи ғайриқонуний актларга қарши кураш тўғрисида" Конвенция (1988 йил 10 март, Рим. 2-моддаси.
15. Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида "Ушлаб бериш тўғрисида" шартномасининг (2000 йил 2 май, Деҳли) 5-моддаси.
16. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги 1999 йил 8 ноябрдаги "Экстрадиция тўғрисида" шартномасининг 3-моддаси.
17. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида "Ушлаб бериш тўғрисида" 2000 йил 15 июндаги шартномасининг 4-моддаси.
18. Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида 2000 йил 11 июндаги "Ушлаб бериш тўғрисида" битимнинг 3-моддаси.

INNOVATIVE
ACADEMY